

**Исроилов, Дилшод**


Жаҳон чемпионатларининг тарихи (1930—2002).  
— Т.: «Шарқ», 2006.— 96 б.

Дилшод Исроилов спорт журналистикасига ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида кириб келган. Кўпроқ футбол тарихи билан қизиқади. 1990 йилда ўзбек журналистикасида илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатларининг тарихи мавзусини ёритишга қўл урган. Владимир Сафаровнинг XX асрдаги энг кучли ўзбекистонлик футболчи деб тан олинган Геннадий Красницкийнинг ҳаёти қаламга олинган “Бетақор истеъдод соҳиби” китобини таржима қилган. Спорт журналистлари ўртасида ўтказилган республика танловида 1991 йилда учинчи ўринни эгаллаган, 2000 йилда эса шундай танловнинг газета ва журналларда ижод қилаётган журналистлар номинацияси бўйича ғолиби бўлган.

Ўйлаймизки, муаллифнинг “Футбол бўйича жаҳон чемпионатларининг тарихи” китобчаси навбатдаги турнир олдидан муҳлисларга ўзига хос совға бўлади.

**ББК.75.3**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2006.



## К И Р И Ш

Дунёда футболдек энг кўп мухлисга эга спорт тури бўлмаса керак. Ҳозирги пайтда спортнинг бу тури жаҳондаги деярли барча халқлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Ҳатто Бразилияда ҳал қилувчи ўйинлар вақтида ҳукуматнинг муҳим мажлислари ҳам ўтказилмас экан. Сабаби, президенту вазирларгача барчаси стадионда ёки “ойнаи жаҳон” атрофида ҳаяжон билан футбол баҳсини томоша қилар эканлар. Футбол санъатининг энг юксак чўққиси эса ҳар 4 йилда бир марта ўтказиладиган жаҳон чемпионатларининг финал босқичи ҳисобланади.

Фикримизнинг исботи учун кичик бир лирик чекиниш қилиш жоиздир. Умуман спортда энг фахрли ном Олимпиада чемпиони ҳисобланади. Аммо дадил айтиш мумкин, фақат футболдагина жаҳон чемпиони унвони Олимпиада голиблигидан юқорироқ туради. Чунки фақат жаҳон чемпионатларидагина энг кучли футболчилар жамланиб, ўзларининг бутун маҳоратларини намоиш этадилар, энг янги тактикалар синовдан ўтиб, барча жамоалар учун дастуруламал вазифасини ўтайди.

Мана, мафтункор Германиянинг яшил майдонларида навбатдаги XVIII жаҳон чемпионатининг финал турнири ўйинлари бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Унда машаққатли саралаш босқичларидан ўтган бутунги кундаги энг кучли терма жамоалар иштирок этадилар. Айтиш жоизки, жаҳон чемпионатлари финал турнирларининг барча ўйинлари футбол тарихига олтин ҳарфлар билан битилади. Зеро, жуда кўп футболчилар ушбу турнирда бир мартагина бўлса ҳам қатнашишни ўзлари учун катта шараф, деб биладилар. Футбол осмонида чақнаган янги чарм тўп юлдузлари ҳам асосан курраи замин чемпионати ўйинларида синовдан ўтиб, шуҳрат чўққисига янада баландроқ кўтариладилар ва бутун жаҳон уларни олқишлайди ёки футбол олами уларни унутди. Яъни жаҳон чемпионатлари — бу буюк футбол юлдузларининг мурасасиз баҳси ҳамдирки, бундан курраи заминимизнинг миллиард-миллиард аҳолиси баҳраманд бўлади. Шу жиҳатдан олганда азиз футбол ишқибозлари, сизлар учун навбатдаги ана шундай бетакрор турнир арафасида жаҳон чемпионатлари тарихи ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

## ТАРИХГА БИР НАЗАР ЁХУД 26 ЙИЛДАН СЎНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛГАН ҒОЯ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатларини ташкил этиш ғояси Халқаро футбол федерацияси — ФИФА тузилганидан сўнг кўп ўтмасдан, яъни 1904 йилда тузилган бўлиб, бундай ташаббусни ўша вақтда ФИФА-нинг биринчи президенти Р.Герен (Франция) ва вице-президент К.Хиршман (Голландия) кўтариб чиққан эдилар. Айнан Хиршманнинг ўзи бир неча ойдан сўнг жаҳон чемпионатини ўтказишнинг батафсил режасини таклиф қилган эди. Бироқ бундай ажойиб режа ҳаётга татбиқ этилмади. Боиси, унга Англия вакили қарши чиқиб, турли мамлакатларда футбол қоидалари ҳар хил талқин қилинишини таъкидлаган ҳолда жаҳон чемпионатини ўтказиб бўлмаслигини асослашга ҳаракат қилди. У шунчалик ишонарли маъруза қилдики, кўпчилик делегатларни ўз томонига оғдириб, чиройли режани чиппакка чиқаришга муваффақ бўлди.

Гереннинг ўрнига ФИФА президентлигига англиялик Д.Вулфолл сайланганидан сўнг у ушбу мавзуга қайтиш юзасидан барча уринишларга чек қўя бошлади. Шундай бўлса-да, ФИФА таркибига Америка қитъаси вакиллари — Аргентина, АҚШ ва Чили кирганидан сўнг жаҳон чемпионатини ўтказиш масаласи яна кун тартибига чиқди. Энг муҳими, франциялик Жюль Римэ тимсолида Хиршман ишончли шерикка эга бўлди.

Асосан юқоридаги икки жонкуяр инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан 1914 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган ФИФА конгрессида 1916 йили Берлинда ўтказиладиган олимпия турнирини расман жаҳон чемпионати деб аташ тўғрисида қарор қабул қилинади. Бироқ мазкур режа ҳам ҳаёт юзини кўрмади. Бу гал унга биринчи жаҳон уруши монелик қилди.

Вулфоллнинг ўлимидан сўнг Халқаро футбол федерациясини Жюль Римэ бошқара бошлади.

1926 йилда ФИФА конгрессида Ж.Римэнинг яқин

ёрдамчиси А.Делоне 1924 йилдаги Олимпиадада ўтказилган футбол турнири (унда 22 миллий терма жамоа қатнашганди) натижаларини таҳлил қилар экан, футбол энг оммавий спорт турига айланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда уни “Олимпиада ўйинлари девори ортида” ушлаш жоиз эмаслигини билдирди. Шунда ФИФА ижроқўми футбол бўйича жаҳон чемпионатларини доимий ўтказиш имкониятларини ўрганиш вазифаси топширилган комиссия тузади. Комиссия ўз фикрини ижроқўмга тавсия этганидан сўнг, 1928 йилнинг 29 майида Амстердамда ўтказилган ФИФА конгрессида 25 та қўллаб-қувватловчи ва бешта қарши овоз билан 1930 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда бир мартадан “Футбол бўйича жаҳон Кубоги” деб расмий номланувчи жаҳон чемпионатларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Дастлабки турнир ўтказиладиган жойни танлаш масаласи 1929 йилнинг 18—19 май кунлари Барселонада ўтказилган ФИФА конгрессида ҳал қилинди. Чемпионатни ўтказишга эса Италия, Испания, Венгрия, Голландия ва Уругвай мамлакатлари даъвогарлик қилаётган эди. Узоқ давом этган мунозаралардан сўнг чемпионатни Уругвайда ўтказишга қарор қилинди. Бунга кўп жиҳатдан 1930 йилда республиканинг мустақилликка эришганига юз йил тўлиши ҳам сабаб бўлди. Зеро, жаҳон чемпионати улкан тантаналарнинг муҳим воқеаси бўлиб қолиши ҳам эътиборга олинган эди.

Йигилишда Уругвай делегацияси вакили Буэродан «Монтевидеода футбол баҳсларини ўтказиш учун катта стадион борми?» дея сўраганларида у табассум билан: “Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Мен эртагаёқ қурилишни бошлашлари лозимлиги тўғрисида шошилинчнома жўнатаман”, — дея жавоб қайтаради.

Дарҳақиқат, атиги саккиз ой ичида Уругвай пойтахтида замонавий “Сентенарио” стадиони қад ростлади.

Уругвайликларнинг жаҳон чемпионатини қабул қилишга жиддий равишда интилишларининг яна бир сабаби бор эди. У ҳам бўлса, бу даврга келиб 1924 ва 1928 йилги Олимпиадаларда кетма-кет ғалаба нашидасини сурган, “Тўп сеҳргарлари” номини олган уругвайлик чарм тўп усталари ўзларининг деярли цирк санъати даражасига кўтарилган, юксак техникага асос-

ланган ўйинлари билан бутун курраи замин олқишига сазовор бўлган эдилар.

Бироқ қизиги шундаки, уругвайликларни жаҳоннинг энг кучли футболчилари деб ҳисобламасликка жиддий бир сабаб бор эди. Зеро, ўша пайтларда ҳам профессионал футболчилар бўлиб, уларнинг Олимпиада ўйинларида қатнашишлари тақиқланарди. Юқорида таъкидланганидек, шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Олимпиадалар ўтмайдиган ҳар тўрт йилда бир бор профессионаллар ва ҳаваскорлар иштирокида яна битта мусобақани ўтказиш фикри туғилади...

Чемпионат иштирокчилари учун ҳашаматли меҳмонхоналар ва спорт марказларини жиҳозлашади. ФИФАнинг барча аъзоларига таклиф мактубларини юборган мезбонлар терма жамоаларнинг бутун йўл ва жойлашиш харажатларини ўз зиммаларига олишларини билдиришади. Европа термаларини Уругвайга олиб келиш мақсадида барча қулайликларга эга “Конте верде” теплоходи ёлланади.

Шундай бўлса-да, океан ва денгиз орқали уч ҳафталик машаққатли сафардан чўчиган Европа мамлакатлари чемпионатда қатнашиш истагини билдиришга шошилишмайди. Ҳатто турнир бошланишига икки ой қолганида ҳам бирорта Европа давлати ўз розилигини билдирмаганди. Бу вақтга келиб Лотин Америкаси қитъасидан фақат Бразилия, Аргентина, Парагвай, Перу, Чили, Мексика, Боливия ва АҚШ жаҳон чемпионатида қатнашишларини таъкидлашган эди.

Европаликларнинг бундай совуққонликларидан қаттиқ хафа бўлган Лотин Америкаси мамлакатлари ФИФА таркибидан чиқишларини билдирадилар. Илк чемпионатнинг ўтказилиши хавф остида қолади. Охир-оқибат анча уринишлардан сўнг Бельгия, Югославия ва Франциядан розилик олинади. Фақат руминларда муаммо туғилади. Гап шундаки, Руминия терма жамоасининг барча ўйинчилари Британия жамияти шуъбасининг ходимлари ҳисобланарди. Шу сабабдан корхона раҳбари ходимларининг икки ой давомида фаолият кўрсатмасликларига розилик беролмайди. Фақат мамлакат қирқолининг шахсий аралашуви туфайлигина масала ижобий ҳал этилади.

Чемпионатни ўтказиш тартиб-қоида­сига кўра унда 16 терма жамоа қатнашиши кўзда тутилган бўлса-да,

тақдир тақозоси билан 13 мамлакат футболчилари жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиш учун баҳсга киришадиган бўлди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, бу тadbирни бошлашда ўша вақтдаги ФИФА президенти француз Жюль Римэнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. Шу сабабдан дастлаб ушбу турнир “Жаҳон Кубоги”, сўнг “Жюль Римэ Кубоги”, кейин эса “Жаҳон Кубоги — Жюль Римэ Кубоги” ва ниҳоят 1970 йилда бразилияликлар учинчи ва охириги марта Кубок соҳиби бўлгунларига қадар “Жаҳон чемпионати — Жюль Римэ Кубоги” деб номланиб келинган. Ғолиб командага бериладиган Кубокка эса греклардаги афсонавий ғалаба маъбудаси Никенинг тасвири туширилган бўлиб, у “Олтин маъбуда” номи билан аталади. Ушбу Кубок ФИФА буюртмаси билан 1928 йилда парижлик машхур заргар Абель Лефлер томонидан 1800 граммлик соф олтиндан бунёд этилган. Кубокнинг умумий вазни 4 килограмм бўлиб, узунлиги 30 сантиметрга тенг эди.

Келинг, шу ўринда воқеалардан бир оз олдинлаб кетган ҳолда “Олтин маъбуда”нинг “ҳаёти” ва гаройиб саргузаштлари хусусида тўхталиб ўтсак. Зеро, дастлабки жаҳон Кубогининг тарихи ҳам жуда қизиқарли, ҳам хавфли саргузаштларга тўла эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

## МАШЪУМ УЧИНЧИ УРИНИШ...

Маълумки, 1938 йилда италияликлар иккинчи жаҳон чемпионлари сифатида “Олтин маъбуда”ни қўлга киритишганди. Бироқ Италияда ҳукумат тепасига фашистлар келганлиги ва улар Германияга иттифоқчи бўлишганлиги туфайли иккинчи жаҳон уруши йиллари Кубокни беҳавотир сақлаш жуда оғир муаммога айланган эди. Ўшанда “Олтин маъбуда”ни сақлаш Италия футбол федерацияси раҳбарларидан бири Оттарино Барассига топширилганди. Жаҳон Кубогини қўлга киритишга уринган Италия ва Германия фашистлари Барассининг уйида бир неча бор тинтув ўтказишганди. Бироқ қимматбаҳо Кубокнинг каравот тагидаги эски йиртиқ этикка яшириб қўйилганлиги уларнинг хаёли-

га ҳам келмаган. Бинобарин, шу тахлит “Олтин маъбуда” фашистлар исканжасидан омон қолган эди.

1946 йили ФИФАнинг Люксембургда ўтказилган конгрессида Барасси “Олтин маъбуда”ни Халқаро футбол федерацияси президенти Жюль Римэнинг қўлига топширади. Бу жаҳон Кубогининг бошидан ўтказган дастлабки фаройиб саргузашти эди.

Орадан йигирма йил ўтгач, Никенинг бошига яна хатарли кунлар тушди. 1966 йилнинг 20 мартада, жаҳон чемпионати бошланишидан бир неча ой илгари куппа-кундуз кунни уни Лондондаги Вестминстер саройидан ўғирлаб кетишади. Англиянинг машҳур Скотланд-Ярд полициясининг бир ҳафта давомида Кубокни излаш юзасидан амалга оширган барча саъй-ҳаракатлари бесамар кетади. Натижада, жаҳоншумул шовшув юзага кела бошлади. Кутилмаганда мамлакат обрўси ва Скотланд-Ярд шарафини Пиклз (Шўх) лақабли кучукча қутқариб қолди. Пиклз газетага ўралган ҳолда буталар орасига яшириб қўйилган Кубокни топшига муваффақ бўлади. Уша лаҳзадаёқ кучукча ва унинг соҳиби Корбетнинг номи бутун жаҳонга танилди. Мамлакат маъмурлари кучукча ва унинг соҳибини 6000 фунт стерлинг билан мукофотласалар, чемпионат ташкилотчилари жаҳон чемпионатининг беллашувларини бепул томоша қилиш имкониятини яратадилар.

Гарчи Англияда спорт мусобақаларига жониворларни олиб киришни тақиқловчи қонун мавжуд бўлса-да, истисно тариқасида шундай ишга қўл урадилар. Орадан кўп ўтмасдан Пиклз “Олтин бурунли изкувар” номли фильмда бош ролни ўйнашга таклиф этилади.

1970 йилга қадар “Олтин маъбуда”ни жаҳон чемпионлигига эришган жамоалар — Уругвай, Италия ва Бразилия икки мартадан, бир бор Англия ўзларида сақлайдилар. Айнан, 1970 йили Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида футбол қироли Пеле етакчилигидаги бразилияликлар чиройли ва сермахсул ўйин кўрсатиб, учинчи бор футбол оламининг энг юқори шухрат чўққисига кўтарилдилар. Ва ФИФА қонун-қоидаларига кўра Кубокни учинчи бор қўлга киритганликлари туфайли “Олтин маъбуда” Бразилияга доимий равишда сақлаш учун топширилади.

Орадан 13 йил ўтгач, 1983 йилнинг декабрь ойида

Ўғрилар Бразилия футбол федерациясида сақланаётган “Олтин маъбуда”ни усталик билан гумдон қиладилар. Уни излаш учун кенг қўламдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилади. Бироқ бу гал кеч эди. Ўз олдиларига бойиб кетиш мақсадини қўйган талончилар, ҳатто миллий гурур ҳисларини ҳам четга суриб қўйган ҳолда жаҳон Кубогини бўлакларга бўлиб ташлагандилар. Ҳозирги пайтда фақат унинг нусхасигина Бразилия терма жамоасининг ажойиб ғалабаларидан дарак бериб турибди.

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Шундай қилиб, биринчи жаҳон чемпионатининг финал турнирида қатнашиш истагини билдирган барча 13 мамлакат терма жамоалари саралаш ўйинларисиз дастлабки оламшумул футбол турнирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Албатта, ҳақли равишда чемпионатнинг энг кучли жамоаси таркибида 7 нафар Олимпиада чемпиони жамланган Уругвай терма жамоаси эди. Икки карра Олимпиада чемпиони, европаликларни ўз маҳорати билан қойил қолдирган “Олтин оёқли футболчи” лақабли ярим ҳимоячи Хосе Андраде эса уругвайликларнинг энг кучли ўйинчиси эди. Жамоанинг доимий сардори чаққон, тезкор, юқори техникага эга, бош билан яхши ўйновчи, улкан ташкилотчилик салоҳияти учун “Маршал” номини олган марказий ҳимоячи Хосе Насацци эди. 1927 йилда Жанубий Америкада энг сермахсул ҳужумчи бўлган ҳаракатчан Эктор Скароне ҳам жамоанинг етакчи



Ҳужумда икки карра Олимпиада ва жаҳон чемпиони уругвайлик Хосе Андраде.



ўйинчилари қаторига кирарди. Ҳа вақтда уругвайликлар 1+2+3+5, яъни “беш ўйинчи чизикда” тактик схемасини қиёмига етказиб такомиллаштирган ҳам эдилар.

Бразилия терма жамоаси у пайтларда кучлилар қаторига кирмаганлиги сабабли охириги Олимпиадада иккинчи ўринни эгаллаган аргентиналиклар галабага асосий даъвогарлардан ҳисобланарди.

Шундай қилиб чемпионат 13 июлда Франция—Мексика терма жамоаларининг ўйини билан очилди. Ҳинчи дақиқадаёқ французларнинг дарвозабони Алекс Тено жароҳатланиб, майдонни тарк этишга мажбур бўлди. Унинг ўрнини ярим ҳимоячи Шантрель эгаллаган бўлса-да, ҳужумкор тарзда ўтган ўйин французларнинг 4:1 ҳисобидаги галабаси билан якунланди.

Кутилганидек ўз гуруҳида Чили, Франция ва Мексика терма жамоаларини енган аргентиналиклар ярим финалга йўлланма олишди. Югославия, Уругвай, АҚШ терма жамоалари ҳам шундай натижага эришишди.

Қизиғи шундаки, ярим финалда Аргентина терма жамоаси АҚШни 6:1 ҳисобида енган бўлса, кейинги ярим финалда уругвайликлар худди шундай ҳисобда Югославия футболчиларини доғда қолдиришди.

Финал ўйини жуда кескин ва мурасиз кечди. 12-



Аргентина терма жамоасининг энг сермахсул ўйинчиси Стабиле финал баҳсида уругвайликлар дарвозасига иккинчи тўпни киритмоқда.



Жаҳон чемпиони — Уругвай терма жамоаси.

дақиқадаёқ Уругвай ҳужумчиси Дорадо ҳисобни очди. Ушбу киритилган тўпдан аргентиналиклар руҳан синикмасдан ҳужумга зўр беришди. 20-дақиқада Пеуселли ҳисобни тенглаштирган бўлса, орадан 17 дақиқа ўтгач, чемпионатнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси Стабиле аниқ зарба билан аргентиналикларни ҳисобда олдинга олиб чиқди — 2:1. Биринчи бўлим шу ҳисобда якунланди.

Иккинчи бўлимда аргентиналиклар ҳисобдаги кичик устунликни сақлаб қолиш мақсадида ҳимояга зўр беришди. Бироқ Уругвай терма жамоасининг шиддатли қанот ҳужумлари ва дарвозага йўлланган аниқ зарбалар ўз самарасини берди. Иккинчи бўлимда киритилган учта тўп Уругвай терма жамоасига 4:2 ҳисобидаги йирик ғалабани келтирди. Ҳайвон тугаганидан сўнг ФИФА президенти Жюль Римэ уругвайликлар сардори Насаццига Нике Кубогини топширди. Жаҳон чемпионатида қозонилган ғалаба Уругвайда миллий байрам сифатида нишонланди.

#### **Финал ўйини.**

**Уругвай-Аргентина — 4:2.**

**Уругвай:** Бальестерос, Насацци (сардор), Масчерони, Андраде, Фернандес, Гестидо, Дорадо, Скароне, Кастро, Сеа, Ириарте.

**Аргентина:** Ботиссо, Делла Торре, Патерностер,

*Х.Эваристо, Монти, Суарес, Пеуселли, Варальо, Стабиле, М.Эваристо, Серрейра.*

**Голлар:** Дорадо (12), Пеуселли (20), Стабиле (37), Сеа (57), Ириарте (68), Кастро (89).

8 марта рақиб дарвозасини ишғол қилган Стабиле (Аргентина) чемпионатнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлди.

## БУЮК ДАРВОЗАБОНЛАР БАҲСИ

Иккинчи жаҳон чемпионатини тарихда энг сиёсийлашган турнир сифатида баҳолашади. Зеро, 1934 йилда Италияда фашистлар тузуми ҳукм суларди. Бироқ 30-йилларнинг бошларида Муссолини диктатурасига бўлган муносабат иккинчи жаҳон урушидан кейинги пайтдагидек кескин салбий эмасди. Шунингдек, ФИФАда танлаш имконияти ҳам йўқ эди. Зеро Европа ва Американи кескин иқтисодий таназзул қийнар, деярли ҳеч бир мамлакат жаҳон чемпионатини ўтказиш учун катта харажатларни қилишга қодир эмасди. Молиявий жиҳат Муссолинини ўйлантирмасди, шу сабабдан ФИФА конгрессида Италияга рақобатчи бўлма-



Аргентина—Швеция беллашувининг энг қайноқ лаҳзаларидан бири. Шведлар дарвозабони Ридберг Де Винсенци билан ҳаво “жангида”.



Чехословакия—Швейцария учрашувидан лавҳа.

ди. Чунончи, чемпионатни ўтказишга даъвогарлик қилган Швеция ўз талабномасини олдинроқ қайтариб олганди.

Улкан футбол фестивалида иштирок этиш истагини 32 мамлакат билдирди. Лекин финал турнирида 16 команда қатнашиши рисолага мувофиқ ҳисобланганлиги учун саралаш ўйинларини ўтказишга тўғри келди. Жуда қисқа муддатда ўтган саралаш ўйинларидан сўнг Швеция, Италия, Бразилия, Аргентина, Чехословакия, Испания, АҚШ, Руминия, Австрия, Германия, Бельгия, Швейцария, Венгрия, Голландия, Миср ва Франция терма жамоалари жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уругвайликлар аввалги чемпионатда етакчи Европа терма жамоаларининг Уругвайга келмаганликлари учун ушбу турнирда қатнашишдан бош тортдилар. Мазкур чемпионатда Англияни истисно қилганда Европанинг барча энг кучли терма жамоалари иштирок этди. Гердайдан англияликлар иккинчи бор турнирда қатнашишмади. Ҳа пайтда Германия ва Италия ҳокимиятлари тепасида Гитлер ва Муссолини каби фашистик режимнинг тарафдорлари турар эдилар. Уларнинг мақсадлари бугун футбол бўйича, кейинроқ эса куч билан жаҳонни забт этиш эди. Аммо ярим финалда германияликлар матонатли Чехословакиялик чарм тўп усталари билан учрашувда 3:1 ҳисобида мағлуб бўлдилар. Ҳайин тақдирини асосан икки чех футболчиси — уч тўп киритган ҳужумчи Неедли ва дарвозабон Планичкалар ҳал қилгандилар.

Италия билан Австрия жамоалари иштирокида ўтган иккинчи ярим финал ўйинини футбол ишқибозлари



Жуда кескин ўтган Австрия — Венгрия ўйинидан лавҳа.

катта қизиқиш билан кузатдилар. Чунки 30-йилларнинг бошларидан жуда кучли ўйнай бошлаган Австрия терма жамоасини “Вундертим” (мўъжизакор жамоа) деб атардилар. Ҳақиқатан ҳам уларнинг таркибида Сеста, Бизан, Синделар, Смистик каби улкан футбол юлдузлари бор эди. Жамоа йўлбошчиси марказий ҳужумчи Синделарни эса ажойиб маҳорати туфайли “Футбол Моцарти” номи билан атардилар. Бироқ кескин ва муросасиз ўтган учрашувда Италия футболчилари 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Ушбу чемпионатда охириги марта 2 ҳимоячи, 3 ярим ҳимоячи ва 5 ҳужумчидан иборат классик услуб қўлланилди. Умуман олганда, II жаҳон чемпионати футбол тарихидан буюк дарвозабонлар турнири сифатида ўрин олди. Чунки унда чех Планичка, испан Замора, австриялик Платцер, итальян Комби каби кучли дарвозабонлар зўр маҳорат билан ўйнадилар.

Италия ва Чехословакия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган финал баҳси жуда кескин ва ҳаяжонли дақиқаларга бой ҳолда кечди. Австриянинг мўъжизакор жамоасини енгган италияликлар ўзларини олдиндан чемпион дея ҳис қилдилар ва рақибларини менсимадилар. Ҳолбуки, Чехословакия термаси таркиби ҳам жуда кучли эди. Чехлар дарвозасини Замора билан биргаликда Европанинг энг яхши дарвозабони деб ҳисоб-

ланувчи Планичка ҳимоя қилар, марказий ҳимояда эса рақибнинг энг кучли ҳужумчиларини муваффақиятли кўриқлагани учун “Чех арслони” лақабини олган Ладислав Женишек барқарор турган бўлса, ҳужумчиларнинг Неедли—Пуч жуфтлиги 30-йилларда Европа футболда донг таратган эди.

Финалда чех футболчилари чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатдилар. Ниҳоят 76-дақиқада Пуч чамаси 18 метрлардан туриб аниқ зарба билан ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Фақат ўйин тугашига 8 дақиқа қолганидагина италиялик Раймонда Орси ажойиб маҳорат кўрсатиб дарвозага шундай бурама зарба бердики, ҳатто Планичкадай дарвозабон ҳам уни қайтаришга ожиз эди.

Ҳал қилувчи тўпни эса қўшимча вақтнинг 5-дақиқасида италиялик ҳужумчи Скиавио киритди.

### **Финал ўйини.**

**Италия—Чехословакия — 2:1.**

**Италия:** Комби (сардор), Монзелью, Аллеманди, Феррари IV, Монти, Бертолини, Гуайта, Меацца, Скиавио, Феррари, Орси.

**Чехословакия:** Планичка, Женишек, Чтижоки, Коштялек, Чамбал, Крчил, Юнек, Соботка, Свобода, Несд-ли, Пуч.

**Голлар:** Пуч (76), Орси (82), Скиавио (95).

Чемпионатда 5 тадан тўп киритган Скиавио (Италия), Неедли (Чехословакия) ва Конен (Германия)лар энг сермахсул ҳужумчи шарафига муяссар бўлдилар.



Жаҳон чемпиони — Италия терма жамоаси.

## ИТАЛИЯ ФУТБОЛИ ЯНА ШОҲСУПАДА

1938 йил, яъни иккинчи жаҳон уруши арафасида бутун Европа таҳлика остида эди. Германия Австрияни “ютиб” юбориб, Чехословакияга ҳам кўз олайтираётганди. Шу сабабдан Жюль Римэнинг таклифи билан чемпионатнинг финал турнирини ўтказиш бирмунча тинчроқ Францияга топширилди. Бу ерда биринчи марта ФИФАнинг қарори билан жаҳон чемпиони ва турнирни ўтказаетган мамлакат терма командаларига саралаш ўйинларисиз финал турнири баҳсларида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Бу гал 35 терма команда жаҳон чемпионатида қатнашиш истагини билдирди. Бразилия, Куба ва Голландия Ҳиндистони (Индонезия) терма жамоалари эса рақиблари ўйинлардан бош тортганликлари учун ҳеч бир тўсиқларсиз финал турнирига йўлланма олдилар, Австрия эса Германияга қўшиб олингани учун ўз-ўзидан ўйиндан чиқди. Уругвай ва Аргентина чемпионатда қатнашишдан бош тортишди. Хуллас, Куба, Руминия, Швейцария, Германия, Чехословакия, Голландия, Франция, Бельгия, Венгрия, Индонезия, Бразилия, Польша, Италия, Норвегия ва Швеция терма жамоалари III жаҳон чемпионатида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Ушбу турнирда венгриялик футболчилар катта маҳорат билан ўйнадилар. Таркибида Шароши, Женгел-



Жаҳон чемпионатининг очилиш ўйини — Швейцария—Германия.  
Тўп билан Германия термаси дарвозабони Рафтль.

лер, Титкош каби моҳир ҳужумчилар бўлган Венгрия жамоаси рақибларини кетма-кет йирик ҳисобларда енгиб, осонгина финалга етиб келди.

Бразилия терма жамоаси эса ўзининг юксак техникага асосланган енгил ўйини билан футбол ишқибозларини лол этди. Жамоанинг “юраги” “Қора ёқут” лақабини олган ҳужумчи Леонидас эди. Польша билан ўтказилган дастлабки ўйиндаёқ 3 тўп киритган (қўшимча вақтда майдонга ялангоёқ ҳолда тушиб, ҳатто 2 тўп ҳам урган!) Леонидас жаҳон футболининг янги юлдузи сифатида тан олинди. Умуман, ушбу учрашув чемпи-



Чемпионатнинг энг абжир тўпураи — бразилиялик “Қора ёқут” Леонидас.

онатнинг энг кескин ўйинларидан бири бўлиб, унда 11 та тўп киритилди. Бразилия 6:5 ҳисобида устун келган мазкур сермахсул баҳса поляк Виллимовски тўртта гол киритишга муваффақ бўлди. Лекин Бразилия терма жамоасининг мураббийси катта хатога йўл қўйди. Италия билан ўтказилган ярим финал ўйинида Леонидасга бир оз дам бериш мақсадида мураббий уни майдонга туширмади, натижада мураббийнинг бутун режалари чиппакка чиқиб, бразилияликлар 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. (У вақтларда ўйин давомида ўйинчилар алмаштирилмас эди). Шундай қилиб, жаҳон чемпиони бўлишга даъвогар жамоа охир-оқибатда Швецияни 4:2 ҳисобида енгиб, 3-ўринни эгаллайди. Бироқ 4 ўйинда 8 тўп киритган Леонидас учинчи жаҳон чемпионатининг энг сермахсул ҳужумчиси номига сазовор бўлади.

Турнирда жаҳон чемпионлари — италиялик футболчилар ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Улар Норвегияни 2:1, Францияни 3:1, Бразилияни 2:1 ҳисобида енгиб, финалга чиқадиладар. Париждаги “Коломбо” стадионида 59 минг ишқибоз шоҳидлигида ўтган финал





Ушбу ўйинда Чехословакия терма жамоаси голландияликларни йирик— 3:0 ҳисобида енгди. Чехословакия жамоаси ўйинчиси Коштялек кучли зарба билан ҳисобни очмоқда.

ўйинида италияликлар Венгрия футболчиларини 4:2 ҳисобида енгиб, иккинчи марта катта зафар қучдилар.

### **Финал ўйини.**

**Италия—Венгрия — 4:2.**

**Италия:** Оливьери, Фони, Рава, Серантони, Андреоло, Локателли, Биавати, Меацца (сардор), Пиола, Феррари, Колаусси.

**Венгрия:** Полгар, Биро, Шалаи, Сюч, Лазар, Шаш, Винце, Шароши, Венцер, Женгеллер, Титкош.

**Голлар:** Колаусси (6,35), Титкош (8), Пиола (19,82), Шароши (70).



Жаҳон чемпиони — Италия терма жамоаси.

## ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАР

Тўртинчи жаҳон чемпионатини иккинчи жаҳон урушидан кейин 1950 йилда ўтказишга тўғри келди. Табиийки, бутунлай вайронага айланган Европа давлатлари уни ўтказишга қодир эмас эди. ФИФА конгресси-нинг мажлисида фақат Бразилия ва Аргентинанинг номзодлари бор эди. Овозга қўйиш пайтида Бразилия делегациясининг аъзоси доктор Мачадо, чемпионат ўйинларига атаб Рио-де-Жанейрода 200 минг кишилик стадион қурилишини айтгач, масала узил-кесил ҳал бўлди. Бу гал 33 мамлакат жамоаси саралаш турнирида қатнашиш истагини билдирди. Ўзларини расмий равишда футболни вужудга келтирган мамлакат деб ҳисоблаб келаётган ва шу туфайли, ҳатто жаҳон чемпионатларини ҳам тан олмаётган Англия футболчилари биринчи марта ушбу турнирда қатнашиш истагини билдирдилар. Аммо урушдан кейинги қийинчиликлар туфайли қатор мамлакатлар жамоалари, жумладан, Австрия, Венгрия, Чехословакия, Шотландия, Аргентина чемпионатда қатнашишдан воз кечдилар. Охи-роқибатда финал турнирида қуйидаги 13 жамоа ишти-рок этадиган бўлди: Англия, Испания, Швеция, Швей-цария, Югославия, Италия, Чили, АҚШ, Парагвай, Боливия, Уругвай, Мексика, Бразилия.

Ушбу жаҳон чемпионатида олимпия системасидан, яъни мағлубиятга учраган ҳар бир жамоа турнирни тарк этиши керак бўлган усулдан воз кечишди. Энди жамоалар 4 та гуруҳга бўлиниб ўзаро ўйнар, унинг ғолиблари финал беллашувларида қатнашадиган бўлди. Финал турнирида ҳам жамоалар ўзаро ўйнашар, энг яхши натижа кўрсатган мамлакат терма жамоаси эса жаҳон чемпионатининг ғолиби бўларди.

Майдонда англиялик-ларни 1:0 ҳисобида енгиб, катта шов-шувни юзага келтир-ган АҚШ терма жамоаси.





Турнирнинг энг кучли жамоаларидан бири — Бразилия футболчилари ўйинни бошлашга тайёр.

24 июнда янги куриб битказилган “Маракана” стадионида Бразилия—Мексика беллашуви билан чемпионатнинг очилишидан сўнг мамлакатда шу кунгёқ улкан карнавал бошланиб, турнир якунлангунга қадар уч ҳафта давомида мундиалга файз багишлаб турди. Чемпионатнинг энг катта шов-шуви эса Англия терма жамоаси атрофида бўлди. Чили термасини югач, англияликлар АҚШ ва Испания футболчиларига ўйинни бой берган ҳолда гуруҳ баҳсларидаёқ қоқилиб, турнирни тарк этишга мажбур бўлдилар.

Барча мутахассис ва ишқибозларнинг фикрича, охириги ўйингача 5 ўйинда 21 тўп киритган майдон эгалари — бразилияликлар жаҳон чемпиони бўлиши керак эди. Европада бу пайтда кучли терма жамоалар йўқ ҳисоби эди.

Айтиш жоизки, турнир ташкилотчилари “Бразилия жаҳон чемпиони!” сўзлари туширилган кўплаб совғалар, откриткалар ва вимпелларни олдиндан тайёрлаб қўйишган, терма жамоа мураббийсига эса Рио-де-Жанейронинг қонунчилик ассамблеясида депутатлик ўрнини ваъда қилган эдилар. Чемпионатни ташкил этиш тартибига кўра алоҳида финал ўйинини ўтказиш кўзда тутилмаган эди. Аммо турнирнинг 16 июлда Рио-де-Жанейрода ўтказилган охириги ўйини финал тусини олди. Тан олиш керак, уругвайликлар таркибида Андраде, Чиггиа, Варела, Скиаффино каби улкан футбол юлдузлари бор эди. Ушбу ўйиндан олдин бразилиялик-

арда 4 очко, Уругвай футболчиларида эса 3 очко борди. Шу сабабли, Бразилия командаси учун дуранг татижа ҳам кифоя эди. Аммо кўпчиликни уларнинг занчалик йирик ҳисобда ғалаба қозонишлари қизиқирарди. Ушбу қизиқарли ўйинда жаҳондаги ҳозирга қадар энг катта, машҳур “Маракана” стадиони ўз таърихида биринчи марта тўлди — 200 минг ишқибоз ўйингоҳга ташриф буюрди.

Ўзларининг устунликларига ишонган Бразилия футболчилари рақиблари томонидан шундай қаттиқ қарчилик ва ғалабага бўлган интилишга дуч келдиларки, ҳақиқатда қаттиқ асабийлашиб, ўйинларини йўқотдилар ва биринчи бўлиб тўп киритган бўлсаларда 2:1 ҳисобида маглубиятга учрадилар. Ушбу ўйин ғалаба қозониш учун юксак техника билан бирга аъло даражада руҳий тайёргарлик ҳам кераклигини яққол кўрсатди. Ўйиндан сўнг бутун Бразилия аҳолиси мотам тушиб, йиғлади. Уругвайликлар учун эса 16 июль куни миллий байрам деб эълон қилинди.

### *Финал ўйини.*

*Уругвай—Бразилия — 2:1.*

*Уругвай:* Масполи, М.Гонсалес, Техейра, Гамбетта, Варела (сардор), Андраде, Чиггиа, Мигуэс, Скиаффино, Моран, Перес.



Финал ўйинида уругвайликлар дарвозабони Масполи ўз дарвозасини бразилияликлар ҳужумидан сақламоқда.



Жаҳон чемпиони — Уругвай терма жамоаси.

*Бразилия:* Барбоса, Аугусто, Жувенал, Бауер, Данило, Бигоде, Фриака, Зизиньо, Адемир, Жаир, Чико.  
*Голлар:* Фриака (47), Скиаффино (66), Чиггиа (79).

Чемпионатнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси 7 тўп киритган Бразилия футболчиси Адемир бўлди.

## ЯШАСИН ҲУЖУМКОР ФУТБОЛ!

1954 йилда ўтказиладиган V жаҳон чемпионати учун ажойиб табиатга эга ва мўътадил Швейцария танланди. Саралаш ўйинларидан сўнг Уругвай, Швейцария, Чехословакия, Австрия, ГФР, Шотландия, Англия, Венгрия, Туркия, Бельгия, Италия, Югославия, Франция, Мексика, Бразилия ва Жанубий Корея терма жамоалари финал турнирига йўлланма олдилар. Бу вақтда жаҳонда бир нечта кучли терма жамоа мавжуд эди. Айниқса, Пушкаш, Хидегкути, Божик, Грошич, Цибор, Кочиш каби футбол юлдузларидан иборат Венгрия терма жамоаси тилларда дoston эди. Улар чемпионатга қадар 31 ўйин ўтказиб, 28 галаба ва 3 дурангга эришгандилар. Тўплар нисбати эса 144:31 эди! Ҳайратланарли томони шундаки, чемпионат арафасида венгриялик “сеҳргарлар” Англия термасини Лондонда 6:3 ва Будапештда 7:1 ҳисобида енггандилар.

Уругвайликлар таркибида эса 4 та жаҳон чемпиони бор эди. Фарбий германияликлар жамоаси ҳам чакки

эмасди. Тақдир тақозоси билан финал учрашувининг бўлажак қатнашчилари Венгрия ва ГФР жамоалари битта гуруҳга тушиб қолдилар. Уларнинг ўзаро ўйинлари 8:3 ҳисобида венгриялик футболчиларнинг галабаси билан тугайди. Бироқ германияликларнинг ўйини тобора юксалиб борарди. Чорак финалда улар Югославияни 2:0, ярим финалда эса Австрияни 6:1 ҳисобида енгадилар. Таъкидлаб ўтиш жоиз, чемпионатдан сўнг германияликлар мураббийи З.Гербергернинг тан олишича, улар асосан чорак финалга чиқишнигина режалаштирган эканлар. Чунончи, бундан бир ой олдин ГФР футбол-



7:2 ҳисобида тугаган Германия—Туркия учрашувидан лавҳа. Икки турк ҳимоячиси Морлокни тўхтатиб қолишга ҳаракат қилишмоқда.



Венгрия — Бразилия учрашувининг кескин лаҳзаси. Ҳимояда бразилияликлар.

чилари жаҳон Кубогини қўлга киритадилар, деган одамни эси пастга чиқарар эдилар. Бундай натижани, ҳатто энг ашаддий немис ишқибози ҳам хаёлига келтира олмасди. Мутахассисларнинг фикрича, Бразилия, Англия, Уругвай, Венгрия командалари жаҳондаги энг кучли ва голибликка лойиқ жамоалар эди. Аммо тақдир тақозоси деганларидек... Венгрияликлар ҳам қадларини гоз тутиб олган интилардилар. Улар дастлаб жуда кучли бразилияликларни 4:2, ярим финалда эса жаҳон чем-



Бразилия ва Венгрия терма жамоаларининг сардорлари Бауэр ва Божиклар чорак финал ўйини олдидан вимпелларни алмашишмоқда.

да қанот ҳужумчиси Ран учинчи маротаба венгрияликлар дарвозасини забт этди. 85-дақиқада Пушкашнинг зарбасидан сўнг венгерлар тўпни тўрға туширадилар. Ўйин ҳаками Линг марказни кўрсатади. Бироқ ёрдамчи ҳакам Гриффитс тўп ўйиндан ташқари ҳолатдан киритилди, деб ҳисоблайди. Беллашув 3:2 ҳисобида тугайди. Аввалги жаҳон чемпионатида бўлганидек, кучли ҳисобланган жамоа яна мағлубиятга учради. Кўпчилик ушбу галабанинг кутилмаганда юз берганини таъкидлади. Лекин фактни рад қилиб бўлмайди. Фолибнинг доимо бир оз омади келади. Ушбу чемпионат ҳозирга қадар энг кўп тўп кири-

пионлари — Уругвай футболчиларини ҳам шу ҳисобда енгиб, финалга чиқадилар.

Ва ниҳоят, 4 июль, 70 минг ишқибоз билан тўлган Берндаги Марказий стадион. Кучли ёмғир. Майдонда Венгрия—Ғарбий Германия терма жамоалари. Қизиги шундаки, 8-дақиқадаёқ Пушкаш ва Цибор зарбаларидан сўнг венгрияликлар 2:0 ҳисобида олдинда эдилар! Аммо Морлок ва Раннинг муваффақиятли ҳужумларидан сўнг, 18-дақиқага келиб ҳисоб тенглашди — 2:2. Яъни ўйин яна қайтадан бошланаётган эди, десак хато қилмаймиз. 80-дақиқа-



Уругвай терма жамоаси дарвозабони Масполи венгриялик Кочишнинг ҳужумини баргараф этмоқда.



Жаҳон чемпиони — Германия терма жамоаси.

тилган биринчилик ҳисобланади, яъни 26 ўйинда тўп 140 маротаба дарвоза тўрига туширилган. Ўртача кўрсаткич бир ўйинда 5,38 гол.

### **Финал ўйини.**

**ГФР—Венгрия — 3:2.**

**ГФР:** Турек, Позипал, Либрих, Кольмайер, Эккель, Май, Ран, Морлок, Ф.Вальтер (сардор), О.Вальтер, Шефер.

**Венгрия:** Грошич, Бузански, Лорант, Лантош, Божик, Закариаш, Цибор, Кочиш, Хидегкути, Пушкаш, Тот.

**Голлар:** Пушкаш (6), Цибор (9), Морлок (11), Ран (18,84).

Энг сермаҳсул ҳужумчи Кочиш (Венгрия) — 11 тўп.



## ЮЛДУЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Навбатдаги VI жаҳон чемпионати футбол тарихидаги энг ёрқин турнирлардан бири сифатида муҳрланиб қолган. Футбол қироли Пеле ҳам дастлаб 17 ёшида шу чемпионат ўйинларида тобланган. Швеция тупроғида 1958 йилда ўтказилган оламшумул футбол мусобақасида қатнашиш учун 55 мамлакат хоҳиш билдирди. Деярли бир миллион ишқибоз кузатган 89 та саралаш ўйинларидан сўнг Англия, Франция, Австрия, Бразилия, Аргентина, Парагвай, ГФР, Швеция, Мексика, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия, Венгрия, Югославия, Чехословакия ва собиқ Итти-



Франция терма жамоаси ҳужумчиси Фонтэн икки ҳимоячини моҳирона алдаб ўтиб, бразилияликлар дарвозасига тўп киритмоқда.



Жюст Фонтэн (Франция) битта чемпионатда 13 та тўп киритиб, ҳамон забт этилмаган энг юқори чўққига чиқди.



17 ёшли Пеле французлар дарвозабони Аббес билан  
яккама-якка чиқмоқда.

фоқ терма жамоалари финал турнирига йўлланма олдилар.

Ҳатто икки каррадан жаҳон чемпионлари Италия ва Уругвай терма жамоалари саралаш мусобақаларидан ўта олмаганлиги ҳам жамоаларнинг нақадар кучли эканлигидан далолат беради.

Чемпионатни ўтказиш тартиби яна ўзгартирилди. Гуруҳларда ҳар бир жамоа бир-бири билан ўйнар, иккитадан энг кучли жамоа эса чорак финалга чиққанидан сўнг, у ёғига олимпия тартибидаги усул қўлланиларди.

Турнир олдидан Бразилиянинг галаба қозонишини кўпчилик мутахассислар таъкидлаган бўлса-да, Франция термасининг совринли ўринни эгаллаб, ҳатто жаҳон чемпионидан ҳам кўпроқ тўп киритишини ҳеч ким кутмаганди.

Кизиғи шундаки, чемпионатнинг энг муҳим кашфиётларидан бири ҳисобланмиш французларнинг Копа—Фонтэн жуфтлигининг майдонга тушиши ҳам гумон эди. Чунончи, чемпионатнинг энг сермахсул ўйинчиси Жюст Фонтэн фақат асосий ҳужумчи Рене Блиарнинг жароҳати туфайлигина унинг ўрнига тушиб, бутун “қирра”ларини намоён этган бўлса, икки йилдан буён Испанияда тўп сураётган Раймон Копани



Чемпионатнинг энг кучли ўйинчиларидан Диди (Бразилия) ва Раймон Копа (Франция).

терма жамоа таркибига сингиб кетмайди, дегувчилар ҳам кўп эди.

Бразилия терма жамоасининг чемпионатдаги энг кучли ўйинчилари ҳисобланмиш Гарринча ва Пеленинг кашф этилиши хусусида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Австрия ва Англия термалари билан ўтказилган ўйинлардан сўнг бир гуруҳ журналистлар жамоа сардори Беллини бошчилигида юқоридаги икки футболчини асосий таркибга кўйишни мураббий Феолдан қаттиқ туриб талаб қилганлар. Уларнинг “дебюти” собиқ Иттифоқ термаси билан гуруҳда ўтказилган учинчи ўйинга тўғри келди. Диди, Вава, Гарринча, Пеленинг

бетакрор маҳоратию юксак техникаси сабаб бразилияликлар ажойиб ўйин намойиш этиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Франциялик таниқли футбол мутахассиси Габриэл Ано Бразилия—собиқ Иттифоқ терма жамоалари ўртасида кечган ўйиннинг дастлабки уч дақиқасини “Жаҳон футбол тарихидаги энг фантастик лаҳзалар,” дея таърифлаганди.

Умуман, чемпионатда қанотда беқиёс ўйин кўрсатган Гарринчани, марказий ҳужум чизигида бўлғуси футбол кироли Пелени ҳеч қандай ҳимоячи тўхтатиб қололмади. Бир сўз билан айтганда, янги 1+4+2+4 услубини кўллаган ва ҳар бир чизикда жуда кучли ўйинчиларга эга бразилияликларга ушбу чемпионатда ҳеч ким тенг кела олмади.

Бошқа терма жамоалардан, биринчи навбатда, французлар, шунингдек, Швеция ва Германия чарм тўп усталари ҳам ҳужумкор ўйинлари билан мухлислар эътиборини қозонишди.

Ушбу жаҳон чемпионатида Швеция ва Франция терма жамоалари таъкидлаганимиздек, кутилмаганда

жуда чиройли ва сермаҳсул ўйин кўрсатиб, ярим финалга чиқдилар. Унда жаҳон чемпионлари ГФР футболчилари швецияликлардан 3:1 ҳисобида енгилдилар. Бразилия — Франция ўйинида 5:2 ҳисоби қайд этилди.

29 июнда Стокгольмда ўтказилган финал баҳсида Бразилия футболчилари швецияликларни 5:2 ҳисобида енгилдилар. Пеле ва Вава 2 маротабадан рақиб дарвозасини ишғол этди.

Умуман, бу галги чемпионни мутахассислар ҳам, мухлислар ҳам бир овоздан энг кучли жамоа деб топдилар. Яна бундан 8 йил олдинги сингари бутун Бразилия кўз ёшларини тўкди. Лекин бу севинч ёшлари эди. 29 июнь мамлакатда миллий байрам куни деб эълон қилинди. Чемпион шарафига уюштирилган улкан тантаналарда Бразилия президентининг ўзи ҳам қатнашди. Бразилия шаҳарларининг кўчаларига чемпионлар номи кўйилди.

VI жаҳон чемпионати Хамрин, Зеелер, Фонтэн, Пьянтони, Копа, Тихи, Скоглунд, Пеле, Гарринча, Вава, Лидхольм каби жуда кўп футбол юдузларини кашф этди. Ўйинларда кўплаб тўплар киритилди. Чунончи, 13 тўп билан чемпионатда юқори натижа кўрсатган француз Ж. Фонтэннинг бу рекорди ҳали ҳам забт



Жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси.

этилгани йўқ. Швеция стадионларига 821 минг ишқибоз тушиб, ушбу ажойиб ўйинлардан баҳраманд бўлди.

### Финал ўйини.

**Бразилия—Швеция — 5:2.**

**Бразилия:** Жильмар, Ж. Сантос, Беллини (сардор), Орландо, Н. Сантос, Зито, Диди, Гарринча, Вава, Пеле, Загало.

**Швеция:** Свенсон, Бергмарк, Ансбом, Беръенсон, Густавсон, Парлинг, Хамрин, Грен, Симонссон, Лидхольм, Скоглунд.

**Голлар:** Лидхольм (4), Вава (9, 32), Пеле (55, 90), Загало (68), Симонссон (80).

## УЛҒАЙГАН ФОЛИБЛАР


1962 йили Чилида ўтадиган навбатдаги чемпионатда қатнашиш истаги 56 мамлакат терма жамоаси томонидан билдирилди. Деярли 2 йил давом этган саралаш ўйинларидан сўнг Швейцария, Болгария, ГФР, Венгрия, собиқ Иттифоқ, Англия, Италия, Чехословакия, Испания, Югославия, Мексика, Аргентина, Уругвай, Колумбия, Бразилия ва Чили терма жамоалари финал турнирига йўлланма олдилар.

Бу жаҳон чемпионати жуда бўш ўйнайдиган жамоаларнинг деярли йўқлиги билан ажралиб туради. Жаҳон чемпионлари — бразилияликлар таркибида 9 нафар жаҳон Кубогининг голиби бор эди. Аммо уларнинг Чехословакия билан бўлган иккинчи ўйинларида Пеле қаттиқ жароҳат олиб, сафдан чиқди. Уни алмаштирган ҳужумчи Амарилдо ҳам ўзининг энг яхши томонларини намоиш қилиб, янги юдуз сифатида чақнади.



Турнирнинг энг кучли дарвозабонларидан бири Вильям Шройф (Чехословакия).

Пеле жароҳати туфайли илк марта бразилияликлар янги, кейинчалик машҳур бўлиб кетган 1+4+3+3 услубини қўлладилар. Икки йил муқаддам Европа Кубогини қўлга киритган собиқ



Тўп муаллифи Вава (Бразилия).

Иттифоқ футболчилари ҳам энди голибликка даъвогар жамоалардан бири ҳисобланарди.

Чехословакия, Югославия, Италия, Испания, Англия терма жамоалари ҳам кучли таркибларга эга эди.

Айниқса, Бразилия ва Англия терма жамоалари ўртасидаги ўтказилган чорак финал учрашуви барчада катта қизиқиш уйғотди. Бразилияликларнинг биринчи босқичдаги унчалик умидбахш бўлмаган ўйини уларнинг ярим финалга чиқишларига ишонч уйғотмаётганди. Пеленинг йўқлигида жамоа етакчиси бўлган Гар-



Йозеф Масопуст финал баҳсида ҳисобни очмоқда.



Зитонинг ушбу голидан сўнг бразилияликлар финалда  
2:1 ҳисобида олдинга чиқиб олишди.

ринчанинг имкониятларидан имкон борича кўпроқ фойдаланиш мақсадида бир Бразилия журналисти кичик муғомбирликка қўл уриб, Англия термасига нисбатан мазкур футбол юлдузининг шахсиятини кўзғатди. Натижада, ушбу қизиқарли беллашувда Бразилия 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди, бири-биридан чиройли бўлган икки тўпни эса Гарринча киритди. Мутахассисларнинг фикрича, бу Гарринчанинг спорт ҳаётидаги энг яхши беллашуви эди.

Шундай қилиб, ярим финалга дастлаб Бразилия ва Чили командалари чиқди. Бу гал ҳам Гарринча ўйин қаҳрамонига айланди. Гарринча ва Ваванинг иккитадан аниқ зарбаларидан сўнг бразилияликлар 4:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Иккинчи ўйинда эса Чехословакия ва Югославия жамоалари беллашди. Илгари Чехословакия футболчилари ўртамеёна жамоалар қаторига кирарди. Янги мураббий Р. Витлачилнинг маҳорати туфайли аҳил ва ҳамжиҳат жамоа вужудга келди. Ярим финал ўйинини ҳам уюшқоқлик билан ўтказган чех футболчилари 3:1 ҳисобида ғолиб келдилар.

17 июнда Сантьягода 70 минг ишқибоз шохидлигида Бразилия—Чехословакия жамоалари ўртасида ҳал

қилувчи ўйин бошланди. Ҳисобни чехларнинг ярим ҳимоячиси Масопуст очди. 2 дақиқадан сўнг Амарилдо жавоб тўпини киритди. Анчагача ўйин тенг борди. Зито ва Ваванинг ўйин сўнггида берган аниқ зарбаларидан кейингина бразилияликлар 3:1 ҳисобида зафар қучдилар. Лекин улар бу чемпионатда аввалгидаги каби енгил ва чиройли ўйин кўрсата олмадилар.

Биринчи марта 6 ўйинчи 4 тадан тўп киритиб, энг сермаҳсул натижани кўрсатди: яъни Альберт (Венгрия), Гарринча, Вава (Бразилия), Еркович (Югославия), В. Иванов (собиқ Иттифоқ) ва Л. Санчес (Чили) чемпионат тўпураклари бўдилар.

### **Финал ўйини.**

**Бразилия—Чехословакия — 3:1.**

**Бразилия:** Жильмар, Ж. Сантос, Мауро (сардор), Зозимо, Н. Сантос, Зито, Диди, Гарринча, Вава, Амарилдо, Загало.

**Чехословакия:** Шройф, Тихи, Поплухар, Новак, Плускал, Масопуст, Поспихал, Шефер, Квашняк, Кадраба, Елинек.

**Голлар:** Масопуст (15), Амарилдо (17), Зито (69), Вава (78).



Жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси.